

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 майдан чиқа бошлаган.



№ 277 (6. 168)

1986 йил 3 декабрь, чоршанба

Бадос 3 тийин



КАЙТА ҚУРИШ

ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бу йил қабул қилган «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш таъбирлари» тўғрисидаги қарори ҳар бир ишчининг ҳаракат программасига айланди. Чиндан ҳам, сифат — корхона кўзгуси, обрў-этибори. Сифатли маҳсулот дарҳол эътиборни топади. Акс ҳолда у магазин ва савдо пештахталарида йиллаб чанг босиб ётади. Ҳўш, бундай маҳсулотнинг кимга кераги бор? Унга сарф этилган ишчи кучи, техника хизмати хайф кетмайди. Қўрилиб турibdiki, сифатсиз маҳсулот жамиятга фақат зиён келтиради ҳолос.

Яқинда ишдан қайтаётиб кўчада мактабдош дугонани учратиб қолдим. Унинг устида замонавий чиройли пальто. Ўзига қўйиб қўйгандай равшан.

— Ярашибди, — деди у менинг пальтога ҳавас билан тикилиб турганимни кўриб. Тасдиқ ишорасини қилдим. Кейин билсам бу пальто ўзимнинг корхонада тайёрланган маҳсулот экан. Кўнгилм тоғдек кўтарилиб кетди. Шундай бекирим ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариётган коллективда меҳнат қилаётганимдан фойдаландим.

Эртасига бу воқеани ўзим билан бир цехда ишлайдиган дугоналаримга сўзлаб бердим. Шу баҳона маҳсулот сифатига эътиборни янада кучайтирдик. Корхонамиз марказини шарафланиш дилимизга тугиб қўйдик.

Яқиндан бошлаб тилимизда давлат қабули деган янги ибора тез-тез такрорланганидан бўлиб қолди. Бу

ҳамма учун янгилик албатта. Уни биринчилар қаторида биз қўллаб-қувватладик. Давлат қабулига ўтиб ишловчилар орасида корхонамизнинг борлиги коллективимизни янада руҳлантириб юборди.

Йўл қўйилган стандартдан чекинганларни тузатиш учун бу маҳсулотлар цехларга қайтарилди. Натижада бирлашмамиз йил давомида биринчи марта ойлик планини бажаролмади. Бундан тегишли хулоса чиқарган қол-

бу нисбийлик корхонада техника тараққиётига қай даражада эътибор берилганлигида кўринади. Бу ўринда реконструкция ишлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ахир алмиқдан қолган аски техника билан сифатли

га кенг ўрин берилмоқда. Улардан қўриладиган самара 190 минг сўмни ташкил этиши керак. «Янгилик» индекси билан сифати яхшиланган маҳсулотдан шартнома баҳосида планга қўшимча 385 минг сўмлик ишлаб чиқаришимиз керак.

Корхонамизда давлат қабули республикада биринчилар қаторида таъриба ишини бошлаб юборди. Шунга кўра унинг аъзолари ҳозирда техника ҳужжатларини тартибга солиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишни тугаллаш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларини ўлчов асбоблари билан таъминлаш, хом ашё ҳамда комплектлаш узелларини етказиб беришчиларга нисбатан талабчанликни ошириш, техника контроли бўлими ишини тубдан яхшилаш ишларини жадал суръатларда амалга ошириш билан шуғулланмоқдалар. Чунки пухта тайёрлардан сўнг иш бошлаган янги хизмат — давлат қабули дастлабки қўлидан оқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан мустаҳкам алоқада бўлмоқда. Унга корхона мутахассислари, коммунистлар, таърибали ишчилар яқиндан ёрдам беришляпти.

Ҳозирги кунда корхонада давлат контроллёрларининг етти ишчилик бригадаси иш олиб бормоқда. 1 январьдан эса уларнинг сон 15 тага етди. Ана шунда бирлашма маҳсулотларининг барча турлари давлат қабулидан ўтказилган бўлади.

У. ТўЛАГАНОВА,
«Қанай тоғ» тизувилик ишлаб чиқариш бirlашмасининг чевари, КПСС XXVII съезди делегати.

Давлат қабули: сифат кафолати

КОРХОНА КЎЗГУСИ

Албатта ҳеч бир янгилик ўз-ўзидан жорий этилиб қолмайди. Бунинг учун муҳим тайёргарлик керак. Энг аввало ишчиларда бунга кўнглик ҳосил қилиш лозим. Ҳар бир ишчи давлат қабули — маҳсулот сифатини янада оширишнинг энг муҳим омили эканлигини чуқур ҳис этсагина тезда янгиликка мослаша олади. Шундай бўлганда ҳам, бирлашмамизда дастлабки фаолиятини кўрсатаётган давлат қабули хизматининг аъзолари коллектив ўртасида бу борада чуқур тушунириш ишларини олиб боришмоқда. Тибувчилар давлат қабули туғи моҳиятини ўз таърибларидан синчиклаб ўрганишмоқда.

Корхона бош инженерининг собиқ ўринбосари Ҳ. Обидова бошчилик қилаётган давлат контроллёрлари биринчи текширув ишларини бошлаб юборишди. Уларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари туфайли корхонанинг олти янги сифат потогидан утасининг маҳсулотлари давлат қабулидан ўтмади.


Лективимиз ишлаб чиқаришда туб бурилиш ясаи, маҳсулот сифатини янада оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Давлат қабули нима ўзи? Уни қандай тушуниш керак? Давлат қабули энг аввало сифат кўрсаткичи ва сифат учун қўрашнинг қўдратли тезлаткичидир. Яъни ҳар қандай даражадаги бракчилар ва технологияни бузувчиларга йўл қўймаслиқдир. Бу ишни Давлат стандартининг янги бўлимлари амалга оширишляпти. Бевосита жойларнинг сифатини идорадан ташқари ўз контролликлари оладилар. Улар техника контроли бўлими билан шўғулланмай брак йўлига ишончли тўсиқ қўйдиладар. Стандартлардан озгина чекинган маҳсулот ҳам нуқсонли тузатиш учун цехларга қайтарилляпти.

Сифат учун кураш фақат ишчиларгагина боглиқ эмас. Унинг бошқа нисбий томонлари ҳам бор. Аввало

маҳсулот тайёрлаш мумкинми? Йўс, албатта. Ишчи қанчалик ўша техникани мукамал билмасини ўзининг таъриба ва маҳоратини ишга солмасин, барибир кўзлаган мақсадга эриша олмайдми. Маҳсулот сифатини яхшилашга асосан техника тараққиётини жадаллаштириш, янги машина-механизмларни ишга тушириш, механизация воситаларидан кенг фойдаланиш қўл меҳнатини намайитириш, ярим автомат ва автомат усуллари кўпайтириш, илгор технология ва таърибани ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли эришилади. Шунинг назарда тутиб бу йил ишлаб чиқаришга 33 та фан-техника янгилигини жорий этишни планлаштирган эдик. Бу таъбир муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришдаги реzerwлардан тўла фойдаланиш мақсадида иш жойларини аттестациялаш, рационализациялаш иш бригадалари ҳўжалик ҳўсбонининг янги усулига ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Рационализаторлик таъкифлари

ЗАМОНДОШИМИЗ



ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Ғаффор Тошқулович Раҳимов 1959 йилдан бери Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институтида илмий иш олиб боради. Ҳозир у шу институтнинг ўсимликлар экологис ва физиология лабораториясининг мудири.

Олим учун энг зарур фазилат кўнг ва сабот деб ҳисоблайман, — дейди Ғаффор Тошқулович. — Чунки камдан-кам кашфийлар, ихтиролар қийинчиликларсиз, бир ўринида рўйбга чиқмайди. Аксарият ҳолларда фанда бирор янгилик яратиш учун йиллаб тер тўкишга, изланишга, соғансоқсиз таъриблар ўтказишга тўғри келади. Бунинг учун эса кўнг ва сабот зарур.

Ғ. Т. Раҳимов мана кўп йиллардан бери олим сифатида ўз олдига қўйилган мақсад сари оғмишай митляпти. Унинг таърибидан ҳолдан олинган айрим маълумотлар билан танишинг: 1965 йилда у «Ўсимликларнинг ўс-тириш шарт-шароитларининг фотосинтетик аппарат активлигига таъсирини мавзунда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Оралдан у йил ўтга катта илмий ходим унвонига сазовор бўлди. 1970—1972 йилларда Куба Республикасида ўсимликлар физиологияси бўйича консультант бўлиб ишляпти. Кўп йиллар институт бошланғич партия ташкилотига етганлик қилди. Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишляпти.

— КПСС XXVII съезди фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш вазифасини олдига

қўйди, — дейди коммунист олим. — Бу барча илмий-тадқиқот муассасалари қатори бизнинг институтимиз коллективининг ҳам янада юксак сафарбарлик билан меҳнат қилишга даъват этади. Биз илмий ечимларини имкон борича тезроқ практикага жорий этишимиз лозим.

Олим бошлиқ лаборатория ходимлари эколого-биологик тўсунчалар билан боглиқ ҳолда ўсимликлар функционал турғултигини ўрганиш, яёловоб маданий фитаценозларини яратиш учун зарур ўсимликларнинг турғул турларини аниқлаш устида изланишлар олиб бормоқда. Ангрен кўми разрез чикимларини ботаник рекультивация қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бундан мақсад ана шу ерлардан қишлоқ ўзжалигига фойдаланишдир. Натижада турғул курорчиликка бардошли озқувоб ўсимликларнинг кўп йиллик яёловлари озқувоб бўлади. Барча ишлар Ўзбекистоннинг озқувоб ресурсларини кўпайтириш ва улардан рационал фойдаланиш билан боглиқ халқ ҳўжалиги вазифаларининг бажарилишига кизмат қилади.

Ғ. Т. Раҳимов институтининг жамоатчилиги ҳаётида ҳам фаол иштирок этади. У мамурият фаолиятини текшириш комиссиясининг аъзоси. Республика аҳолиси ўртасида фан ютуқларини тарғиб этишда иштирок этади. У «Социалистик мусобақа голиби» нишонин билан мукофотланган.

СУРАТДА: биология фанлари кандидати Ғ. Т. Раҳимов.

Т. Каримов фотоси.



Радосна средба на узбекската земиа!

Дўстона алоқалар мустаҳкамланмоқда

Югослав ТОДОРОВСКИ,

Скопье шаҳри Мажлиснинг раиси.

Азиз дўстлар, ҳурматли ўртоқлар, биродарлашган Тошкент шаҳри аҳолиси! Скопье шаҳри номидан ва шахсан ўз номидан Тошкентда ўтказилаётган Скопье ҳафталиги муносабати билан сизларни муборақбод этиш менга беҳад ёқимлидир. Ҳафталик давомида сизлар Скопье тараққиётининг бугунги манзараси, унинг халқ ҳўжалигида, маданият ва санъатда эришяётган ютуқлари, македон халқининг анъаналари ҳусусида кўп нарсаларни билиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Скопье шаҳри Мажлиснинг раиси сифатида мазкур таъдирлар тугатгандан сўнг жамийки учрашувларни хотирлаб юрасизлар, деб ишонаман.

Тошкентда ўтказилаётган Скопье кунлари, шунингдек келгуси йилда бизнинг шаҳримизда бўладиган Тошкент ҳафталиги самарали ҳамкорликка ижобий таъсир кўрсатади, Скопье билан Тошкентни янада яқинлаштиради, шаҳарларимиз аҳолисини тагин ҳам мустаҳкам бирлаштиради, Скопье шаҳри Мажлиси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети алоқаларини мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Бизнинг дўстлигимизни ифодаловчи барча таъдирлар шаҳарларимиз партия ташкилотлари ўртасида 16 йилдан буён давом этиб келаятган ҳамкорлигининг ўзига хос бўғинидир. Кўп йиллик биродарлигимиз, танишушимиз ва яқинлашушимиз Македония Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги умумий ҳамкорликни ривожлантиришга ижобий хизмат кўрсатмоқда. Бу эса Югославия — Совет муносабатлари ва ҳамкорлигида алоҳида аҳамиятга эга.

Сўзининг охирида Тошкентда ўтказилаётган Скопье ҳафталигини алоҳида тарзда уюштирганликларини учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига, кизгин меҳмондорчиликлари учун барча шаҳар ташкилотлари ўртоқларга миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман.


Бизнинг интервью

Дўстлигимизни улўғловчи учрашувлар

Живко НАВЕСКИ,
Скопье шаҳар маориф, фан ва маданият ҳамда жисмоний тарбия комитетининг раиси.

Биз ўз шахримизда зилзиладан кейин янги-янги муассасалар, шу жумладан маданият ўчоқларини қурдик. Ишончимизда қолдики, ҳамкорлигимиз узок йиллар давом этади ва бундан буён ҳам муваффақиятларимизни ҳамжиҳатликда баҳам кўраимиз. Тошкентда Скопье ҳафталигининг барча катнашчилари номидан «Оқшом» газетангиз орқали пойтахтингиз аҳолисига самийий кутлов сўзларини етказишга, янада янги-янги учрашувларга тайёр эканлигимизни изҳор этишга ижозат этгайсиз. Биз бир-биримиз билан қанчалик чин қалбдан дўстлашсак Македония ва Ўзбекистон, Совет Иттифоқи ва Югославия ўртасидаги дўстлигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Македония тасвирий санъат рассомлари жамияти 1970 йилдан бошлаб график янги асарлари кўргазмасини мунтазам намойиш қила бошлади. Шундан кейин Скопье график рассомлари Белград



Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида учрашув

Кеча делегация аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Македония, Тошкент ва Скопьеи боглаб турган дўстлик алоқалари ҳақида гапирилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Македония Коммунистлар Союзи Скопье шаҳар комитети ўртасида маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодий муносабатларини ривожлантириш, делегациялар айирбошлаш аънаъга айлانганлиги таъкидлаб ўтилди.

Б. Ф. Сатин шаҳар партия

ташкilotи барча идеологик ишларининг асосий моҳияти — КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётига таътиб этиш, совет жамияти ҳаётининг барча томонларини қамраб олган қайта қуришнинг боршиш тўғрисида ҳисоя қилиб берди. Шаҳарнинг иқтисодий тараққиётига доир масалалар ҳақида ҳам гапирилди.

Суҳбат чоғида делегация бошлиғи, Скопье шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Димитар Шешов Македония ва Ўзбекистон, Скопье ва Тошкент ўртасида мустаҳкамлаш боргаётган дўстлик алоқалари ҳақида гапирди. У қозирда Скопьеда 70 мингдан

ортиқ коммунист партия голяларини амалга оширяётганлигини айтиб ўтди.

Димитар Шешов график ва карикатура расмлари кўргазмаларни очилиш, шаҳар билан танишувдан олган таассуротларини гапириб берди.

Суҳбатда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Р. Мирсанов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова катнашдилар.

СУРАТЛАРДА: Скопье шаҳар делегациясини Тошкент шаҳар партия комитетига қабул қилиш маросими. В. Коврени фотолари.



ҲАФТАЛИК ДОИРАСИДА

Тошкентда Скопье ҳафталигида катнашяётган Македония Социалистик Республикаси пойтахтининг делегацияси В. И. Ленин хайкали пойига ва Номалўм солдат қабрига гуллар қўйди.

Скопьелик меҳмонлар Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттиришлари давлат комитетига думалоқ стол атрофида ижодий ходимлар билан суҳбатлашдилар.

Скопьелик меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини зиярат қилдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқларини кўргазмаси, Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг бориб кўрдилар.

ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲМОНИ

Кеча Тошкентда Скопье ҳафталиги катнашчилари делегация раҳбари Димитар Шешов бочилигида «Тошкент оқшом» ва «Евчерний Ташкент» газеталари редакцияларининг ходимлари билан учрашди. Учрашув иштирокчилари ўтди, тинчилиги мустаҳкамлаш учун, социал иқтисодий тараққиёт, атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун курашда матбуотнинг ўсиб бораётган роли тўғрисида фойдали фикрлар алмашиди.

Македониялик меҳмонлар (Скопье шаҳри ҳақидаги материалларни газетанинг 3-аҳфасида ўқийсиз).

журналистларнинг иш жойларини кўздан кечиридилар, газета тиражи, журналистлар меҳнатини ташкил этиш, жамоатчилик редакциясининг фаолияти билан қизиқдилар. Ўзбекистон пойтахтининг маданий ҳаётини ёритиш юзасидан айрим рубрика ва материаллар тўғрисида муфассалроқ сўзлаб беришни илтимос қилдилар. Делегация раҳбари Димитар Шешов шунини таъкидлади, бундай учрашувлар дўстлигини мустаҳкамлашга қолмай, балки бир-бирини янада яқиндан билишга, матбуот оғранлари фаолияти билан янада яқинлашга ёрдам беради.

«Коммунист» газетасининг журналист-редактори Пован Бенешес шунини таъкидладики, Скопье ва Тошкент дўстлиги, партия ва маданият делегацияларини юбориб туриш журналистлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бокс бўйича СССР Қурулди Кучлари чемпионати якунига доир

МАҲОРАТ СИНОВИ


Республикада пойтахтидаги «Ёшлик» спорт аренасида низоҳатга етган бокс бўйича Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти чемпионати Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи спортчилари учун маҳорат синови вазифини ўтди.

Ҳарбий округлар ва флотлар энг кучли спортчиларининг турнири саноки кун давом этди. Учрашуларда 18 халқаро классли спорт мастери, 99 спорт мастери ва 70 спорт мастерлигига кандидат қатнашди. Қўрилиб турибдики, иштирокчилар низоҳатга тақрибли эди. Уни мутахассислар мамлакатнинг кичик чемпионати, деб бежиз аташмаганди.

Туркистон ҳарбий округининг спортчилари ана шундай нуфузли мусобақада ҳам юманди, ҳам шахсий ҳисобда яхши натижага эришган. Лиқлари қувончлидир. Бақилларимиз бир олтин, бир кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди. Агар ўтган йилги чемпионатга таққослайдиган бўлсак, олдинга катта силжиш бўлганлигини кўрамыз. Маълумки, ўтган йили вакилларимиз Кирово-кан шаҳрида ўтказилган биринчилида команда ҳисобида, де унинг ўрнига ағаларидилар. Ўшанда Григорий Пинчук, Владимир Лискин

ва Сергей Василенко бронза медалли соҳиби бўлишганди. Бу сафар эса совриндорларнинг сафи икки ҳисса кўпайди. Вазни 67 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида қатнашган Толиб Исроилов олтин медални қўлга киритди. Халқаро классли спорт мастери Сергей Василенко кумуш совриндор бўлди. Спорт мастери Сергей Тажомов, Артур Григорян, Ҳасан Матчонов ва Сергей Мозгуновлар бронза медалли билан тақдирландилар.

Бу медаллар низоҳатда мурасасиз курашда қўлга киритилди. Финал учрашуларини айниқса кескин ўтди. Толиб Исроиловнинг рингда халқаро классли спорт мастери Михаил Ширинга қарши қўллаган усули муҳлислири низоҳатда қувонтирди. Хамшаҳримиз саралаш учрашулариди қўллаган услубларини тақомиллаштириб болаётганлиги кўзга ташланди. Толиб аввал ҳам Михаил билан бир неча марта рингда учрашганди. Қўл ҳолларда тақрибли М. Ширин ғолиб чиққан эди. Бу сафар эса СССР халқлари IX ёғи Спартакиадасининг кумуш совриндори Толиб Исроилов низоҳатда катта ирода ва матонат кўрсатди. Биринчи раундда рақиблар деярли тенг



ҳаракат қилишди. Иккинчи раундда эса тошкентлик спортчи ташаббусни қўлга олди. Учинчи раундда юксак тактик маҳорат кўрсатиб таниқли рақибни енгитишга муваффақ бўлди. Т. Исроиловга энг яхши тактик маҳорат кўрсатган боксчи учун таъсис этилган махсус соврин ҳам топирилди.

Халқаро классли спорт мастери Сергей Василенконинг халқаро классли спорт

мастери Виктор Мельник билан учрашувида қўллаган тасодиф юз берди. Рақиблар бир-бирини яхши билганликлари учун шиддат билан ҳаракат қила бошладилар. Аммо судья биринчи раундда баҳси муддатидан олдин тўхтатишга мажбур бўлди — С. Василенконинг қўши жароҳатланган эди. Врачлар унга курашни давом эттиришга руҳсат беришмади. Шу боис хамшаҳримиз кумуш медал билан қаноат

ланди. Эндигина 23 ёшга тўлган Сергей учун бу охириги «жанг» эмас. Унинг олдинда хали нурли уфқлар турибди. Уларни забт этиш Сергейнинг ўзига боғлиқ.

М. ҒОИБОВ.

СУРАТЛАРДА: СССР Қурулди Кучлари чемпиони тошкентлик спорт мастери Т. Исроилов ва кумуш совриндор С. Василенко.

Д. Михайлов фотолари.

Мусобақалар хроникаси

МАСТЕР БЎЛИШДИ

Қўқон шаҳридаги темир-йўлчилар маданият саройида бокс бўйича «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти марказий Советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Ғолиблик учун 8 спорт мастери ва 91 спорт мастерлигига кандидат курашди.

Мусобақаларда республика миёна вакиллари дуруст қатнашдилар. Тошкентлик спорт мастери Игорь Бунин ўз вази-тоифасида бронза медалини қўлга киритди. Бошқа вази-тоифаларда бўлган олишувларда республика миёна вакилларида Ҳасан Тўраев, Равил Муродов, Қодир Тошматов, Баҳром Мансуров, Эркин Мирмуҳаммадов совриндорлар сафидан жой олишди. Ҳасан Тўраев ва Қодир Тошматов СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлдилар.

ТЕНГ КУРАШ

Республикада пойтахтида олий спорт маҳорати республика мактабларининг соврини учун футбол бўйича анъанавий турнир ўтказилди. Бу баҳсларда 14 ёшгача бўлган ўсмирлар қатнашди. Командалар дастлаб икки гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳнинг ғолиби финалда ўзаро куч синашди. Улар Г. Титов номидаги мактаб-интернат ва олий спорт маҳорати республика мактабларининг вакиллари эдилар.

Кураш низоҳатда кескин бўлди. Рақибларнинг дарвозасига ягона тўп киритган олий спорт маҳорати республика мактабларининг ғолиби бўлиб ўтди. Учинчи ўрин учун Қозоғистон ва Фарғона шаҳарларининг футболчилари курашдилар. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилди. 11 метрли белгидан тўпни дарвозага йўллашда эса фарғоналиклар маҳорат кўрсатишди. Улар учинчи совриндор бўлишди.

СТАРТДА —

АВТОПОЙГАЧИЛАР

Фрунзе шаҳри яқинидаги махсус трассада автокросс бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг кўчма кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Икки кун давомида дасоафчи-спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Барча турдаги машиналарни ҳайдашда юксак маҳорат кўрсатган республика миёна вакиллари кўчма кубокни қўлга киритишди.

«Тошкент оқшомининг навбатдаги сонни 5 декабрда чиқарамиз».

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/ХII да Келинлар кўзғолони.

МУКИЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—3/ХII да Мангүлик.

КИНО

3 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — Исра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).
«ТУТСИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (19:00; телефон 53-65-87).
«ҚАЙСАРНИНГ БУЙСУНДИРИЛИШИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (17, 21,00).
«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 18,30, 21,00; телефон 78-47-25).
«БУ ПАРИЖДА БЎЛГАН ЭДИ» — Қозоғистон (18:00; телефон 35-24-92).
«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«ЭГИЗАКЛАР НАЙРАНГЛАРИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).
«УТИРИЛИШ» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).
«Дружба» (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 67-96-87).

4 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — Исра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).
«ОНИНГ ПОЛИЦИЯ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 33-65-87).
«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (11, 13,30, 16, 18,30, 21,00; телефон 78-47-25).
«БУ ПАРИЖДА БЎЛГАН ЭДИ» — Қозоғистон (12, 15, 18,00; телефон 35-24-92).
«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ХУЖАТЛАРИ» — Нукус (11, 13,30, 16, 18,30, 21,00; телефон 46-70-69).
«ЭГИЗАКЛАР НАЙРАНГЛАРИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).
«УТИРИЛИШ» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«ТАВАККАЛИК ХУҚУҚИ» — Восток (жуфт соатларда, сўнги сеанс 21,30, телефон 91-14-61).
«ШИКОЯТ» — Дружба (жуфт соатларда, телефон 67-96-87).
«УЛГАН КИШИНИНГ МАҚТУБЛАРИ» — Дружба (тоқ соатларда).

ХЎРАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Шаҳримизда анъанавий кўчаларнинг тарихини ойлани давом эттирди.

ХУЖАЛИК ХУСОБИДАГИ «ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» ФИРМАСИ

шаҳардаги барча гул магазинлари орқали нақд пулга кенг ассортиментдан мевади дарахтлар ва бута кўчатларини

СОТАДИ

ҳамда Чимбой кўча, 53-уйда жойлашган фирманинг кўчат етиштириш базисиди юқориди кўчатларини сотиш учун пул ўтказиш йўли билан ҳам БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Кўчат НАВЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

мевади дарахтлар — абрикос-ўрик, олма, гилослар, олхўри, йирик олхўри, грек ёнғоғи, беҳи, мевади қора шотут.

буталар — чатиштирилган атиргуллар, қизил ва қора смородиналар.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Гавташкенстрой» «Строймеханизация» трестининг

2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРСИГА

минорал кран машинистлари, шу кранлар ремонтини бўйича слесарлар ва электрослесарлар, фрезерчи.

Справалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия п.м.ий-текишириш институтининг коллективни профессор, 1943 йилдан буюн КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Одиль Шарипович ШОКИРОВНИНГ

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия наҳор қилади.

30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги йўнвчи-токарь, электр кўприк кранларининг машинисти, қўлда ва машинада қўлиловчи. Ўқишга 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқини муддати — 10 ой.

Стипендия — 72 сўм, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топишган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Саноат асбоб-ускуналари ремонтини бўйича слесарь, металл қиринчи ва темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналари бўйича монтажчи-слесарь, тепловознинг механика қисми ремонтини бўйича слесарь, электр-газ лавандчи-сантехник, кучаниш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари электромонтери. Ўқини муддати — 3 йил.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф маълумоти-га эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал оқват, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топишган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилди.

Билим юртида музика тўғараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқини битирганларга диплом берилди. аълочилар эса, олий ва ўрта ўқув юртиларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлар, шу жумладан темир йўл орқали Совет Иттифокнинг исталган ерига бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан ва яшаб турган жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат (3х4 см.).

Маҳсулотлар гуруҳлар комплекташувига қараб бошланади.

Ҳужжатлар ҳар кунини (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-траввайлар; 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати).

Телевизор столчаси



Телевизор столчаси оёқ-ўқи атрофида осон айланади. Шунинг учун ҳам экран ҳаминча қулай қўрилади. Телевизор қўйилган столча ўз жойидан осон жилдирилади. Чунки унинг оёғига шариклар ўрнатилган.

Тошкент агрегат заводи бундай столчаларни ишлаб чиқармоқда.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53.83; саноат ва қурилиш — 32-57.84; шахар ҳўналмиги ва транспорт — 32-55.39; фан ва маданият — 32-53.10; ахборот ва спорт — 33-28.95; 32-55-32; хатлар — 33-29.70; жамоатчилик реданцияси — 33-99.42, 32-53.66; аълоилар бўлими — 33-81.42.

реклама эълонлар реклама

Макулатура топширувчи

гражданлар диққатига!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ТАЛОНЛАР БЕРИЛАДИ-ГАН КУНЛАРДА 4-ТОМЛИК «МИНГ БИР КЕЧА» КИТОВИГА АВОМЕНЕЛТАР ТАРҚАТИЛАДИ.

Ҳар бир қабул пунктда 5 декабрда 30 тадан абонемент, 6 ва 7 декабрда 65 тадан абонемент тарқатилади. «Минг бир кеча» китобига абонементлар фақат бир вақтнинг ўзиди 10 килограммдан кам бўлмаган миқдорда макулатура топширилгандан кейингина берилди.

Китобнинг ҳар бири томига 20 килограммдан макулатура топширган кишилар «Минг бир кеча» китобининг тўла комплектини олиш ҳуқуқига эгадилар.

Қўп томлик нашрга фақат биттагина абонемент берилди ва унда абонемент берилган вақт кўрсатилган бўлиши лозим.

Қўп томлик нашрга макулатура қабул қилиш фақат рақам шаласи бўлган абонемент кўрсатилган тақдирдагина амалга оширилади.

Қўп томлик нашрга бериладиган абонементларнинг эгаси икки ҳафталик муддат ичида топширилган макулатура учун китоблар сотувчи исталган магазинларнинг бирида ҳисобга туриши лозим. Бундай вақтда абонементнинг сиртки томонига магазин муҳри босилади. Ана шундан сўнг абонементда кўрсатилган нашрнинг қолган барча томлари магазиндан харид қилинади, абонементга илова қилинган талон қирқиб олинади.

Абонементлар жума кунини соат 18.00 дан бошлаб, шанба ва якшанба кунлари 9.00 дан бошлаб тарқатилди.

Қолган бошқа кунлар макулатуралар абонемент маркалари комплектини тўлдирish учун қабул қилинади. Чекланмаган миқдорда қабул этиладиган макулатура ва иккиламчи хом ашё учун 52—01 преискурванти харид нархларига биноан ҳақ тўланади, топширилган 1 килограмм макулатура учун — 2 тийин, топширилган 1 килограмм ил-газлама, бўз латта-путталар ва қўлар учун — 6 тийин, топширилган 1 килограмм жун ва ярим жун латта-путталар учун — 16 тийин.

Қабул пунктлари ҳар кунини (жумадан ташқари) соат 9 дан 18.00 гача ишлайди, танлафус — 13 дан 14.00 гача, жума кунини соат 11 дан 20.00 гача ишлайди, танлафус — 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш кунини — душанба.

Макулатуралар газега, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўров қозғолари тарзида алоҳида-алоҳида дасталаб берилган ҳолда граждандарнинг қарда яшаб туришларидан қатъий назар чекланмаган миқдорда навбатга туриш тартиби билан қабул қилинади.

ХЎРАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА АВОМЕНЕЛТАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРА ВА ИККИЛАМЧИ ТЎКИМАЧИЛИК ХОМ АШЕЛАРИНИ АКТИВ РАВИШДА ТОПИШИ. РИШ ЗАРУР АДАБИЕТЛАРИНИНГ КИТОВ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИГА ТЕЗРОҚ КЕЛИВ ТУШИШИГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ТАЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

«Лола»

хушнуд қилади



БУ ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ТЕРМАСИ СИЗГА ЖУДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

«ЛОЛА» ТЕРМАСИ АТИРЛАР, ОДЕКОЛОН, ТИШ ПАСТАСИ, ҚЎЛ КРЕМИ, ҚУТИЧАЛИ УПА, ШАМПУН-ДАН ИБОРАТ.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ФАБРИКАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЛЕНИНГРАД ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа. Томошалар соат 19.30 да; шанба кунлари соат 18, 19.00 да; якшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да бошланади. Марказий касса ҳар кунини соат 9 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив заявклар қабул қилинмоқда.

Справалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ХЎРАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР

ВА ПОЯТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

1987 йил 1 дан 10 январгача

«ЁШЛИК» СПОРТ АРЕНАСИ

Янги йил арча томошаларига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз бу ерда адабий асарлар, эртаклар, мультфильмлардаги севишли қаҳрамонлар билан учрашасиз. М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли рус академик драма театрининг артистлари бу театрлашган томошаларда банд бўладилар.

Томошалар соат 12 ва 14.00 да бошланади. ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Коллектив бўлиб келиш учун «Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида соат 10 дан 19.00 гача заявклар қабул қилинмоқда.

1987 йил 1 дан 10 январгача

«Катталар учун арча»

ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли давлат рус академик драма театрининг артистлари театрлаштирилган томоша ва карнавалда банд бўладилар.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Томошалар соат 19 дан 30 минут ўтганди бошланади. Билетлар «Пахтакор» марказий стадиони кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотилимоқда.

Коллектив заявклар қабул қилинмоқда. Маълумотлар учун телефон 41-30-23.

КИРОВ РАЙОН АВТОХАВАСКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Район автохаваскорлар жамиятида автомобиллар турадиган жойга (келгусида кооператив гаражлар ташкил этиш учун) зарурат сезган автотранспорт эгалари

РУЙХАТГА ОЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес:

Тошкент шаҳри, Киров райони, Финкельштейн кўчаси, 46-уй.

Қабул — ҳафтанинг жуфт кунлари соат 11 дан 14.00 гача.

Ўз ёнингизда паспортнингиз, автомобилнинг техник паспорти ва ЎзССР Автомобиль хаваскорлари жамиятига аълолик билети ва 2 дон фотосуратингизни олиб келишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИДА

ПУЛКИ

ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИ

ОЧИЛАДИ

(6 ойлик — январь ойидан, 3 ойлик — март ойидан ва бир ойлик — июль ойидан).

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Сарикольская кўчаси, 3-уй.

Телефонлар: 32-40-85, 99-05-32, 99-03-46.

161, 66, 55-автобусларнинг «Темир йўл транспорт техникуми» бекати.

Ётоқхона билан таъминланмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных